



РЕСПУБЛИКАМИЗДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Амонова Назокат Уткуровна

ТДИУ, “Банк иши ва инвестициялар” кафедраси мустақил изланувчиси.
Тошкент, Ўзбекистон. nazokat.91gmail.com@mail.ru

ORCID: 0000-0002-8668-0910

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a15

Аннотация

Ушбу тадқиқотнинг мақсади республикада инвестиция фаолиятини молиялаштиришда бозор механизмларини ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш ҳамда инвестиция фаолиятини молиялаштиришни ривожлантириш усулларини ўрганишдан иборат. Бунда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этиши ёритилган ҳамда уларнинг таҳлили юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестиция фаолияти, молиялаштириш, бозор механизмлари, қимматли қоғозлар, инвестиция фонди, пай фондлари.

Кириш

Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, бугунги кунда иқтисодий ўсиш учун фақат жамғариш ва инвестициялар фаолиятининг юқори суръатларигина етарли эмас. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида инвестиция фаолиятини молиялаштириш камлиги, ялпи инвестицияларда аҳоли маблағлари ҳиссасининг озлиги туфайли инвестицияларни молиялаштиришнинг ташқи манбаларини жалб этиш ва уларни бозор механизмлари орқали такомиллаштириш объектив заруратга айланади. Пандемия шароитида йирик иқтисодиётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирлари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом-ашё товарлари нархи пасайиши эвазига иқтисодиётни қайта тиклаш учун йирик ҳажмдаги молиявий маблағлар сарфланиши мамлакатда инфляция суръатининг кескин ўсиши ва ишсизлик даражасини ошишига олиб келмоқда. Бу ҳолат мамлакат ЯИМга ўз таъсирини кўрсатиб, «...ҳар ой дунё мамлакатлари ЯИМнинг 2 фоизгача пасайишига олиб келиши мумкин»[1]. Коронавирус пандемияси ва дунёдаги иқтисодий инқирозлар сабабли дунёнинг етакчи давлатларида инқирозга қарши курашиш инвестиция дастурларини ишлаб чиқиб, мазкур дастурларда кўзда тутилган чоратадбирларни молиялаштириш механизмлари шакллантирилди. Шунингдек, 2022 йил 20 декабрь куни давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “...Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаيمиз. Биз сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга

эришдик. Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга туширамиз ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади[2]” дея таъкидлаб ўтдилар. Мазкур вазибалар ижросини таъминлаш инвестицияларни молиялаштиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадқиқотимизда кўриб чиқиладиган “инвестиция фаолияти”, “инвестиция фаолиятини молиялаштириш” тушунчаларини илмий-назарий асослаш чет эл ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан кўплаб илмий ишлар қилинган, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Шунингдек, иқтисодий адабиётлар ва илмий тадқиқотларда “инвестиция”, “инвестиция фаолияти” ва “инвестиция фаолиятини молиялаштириш” мазмун-моҳиятинининг турлича талқинлари учрайди. Уларни чуқур ва кенг тадқиқ этиб ўтган ҳолда, инвестиция фаолияти мазмунига берилган қуйидаги таърифларга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисобладик. Инвестиция фаолияти тушунчасига кўплаб рус ва бошқа олимлар ҳам ўз тадқиқотларида тўхталиб ўтган. Жумладан, Л.И. Юзвович фикрига кўра, инвестиция фаолияти бу инвестицияларни киритиш ва уларни амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлари мажмуидир[3].

Шу билан бирга, тадқиқотимизда бир қатор иқтисодчи олимларнинг қарашларини таҳлил қилганимизда, уларнинг тадқиқотларида инвестиция фаолиятининг мақсади, яъни даромад ёки бошқа натижага эришиш зарурлиги кўрсатиб ўтилгани эътиборни тортди.

Иқтисодчи олим профессор Д.Ғ.Ғозибеков инвестицияга молиявий категория сифатида қуйидагича таъриф берган: “инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади”[4].

Бизнинг фикримизча, муаллиф томонидан инвестиция тушунчаси батафсил ёритилган бўлиб, унда манба, маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, риск ва самарага алоҳида эътибор қаратилиб, инвестициялар моддий ва номоддий активлар сифатида алоҳида кўриб чиқилмаган.

“Инвестиция фаолияти” тушунчасига таърифларни қуйидагиларда кўриш мумкин. Жумладан, Н.Ғ.Каримов, Р.Х.Хожиматов, Ж.Х.Раззоков хулосаларига кўра, “инвестиция фаолияти бу – инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларини ўз ичига олувчи иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуасидир”[5].

Т.К.Руткаускас ўз тадқиқотларида инвестиция фаолиятида инвесторнинг иштирокини алоҳида кўрсатиб, унга кўра “инвестицияларни амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлар мажмуи инвестиция фаолияти, инвестицияларни амалга оширувчи шахслар эса инвесторлар ёки бошқача қилиб айтганда, инвестиция фаолияти – даромад (самара) олиш мақсадида инвестиция объектларига инвестиция киритиш билан боғлиқ фаолият, яъни ресурсларни киритиш ва келажакда даромад олиш жараёнларининг бирлиги”[6] деб таъриф берган. Шунингдек, инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмлари тадқиқ этиш доирасида чет эл ва маҳаллий олим иқтисодчиларнинг молиялаштиришнинг усуллари тўғрисидаги

фикрларини ўрганиб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Хусусан, Гаджимурадова Л.А. фикрига кўра, “инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий усулларига қуйидагилар киради: ўзини-ўзи молиялаштириш, акцияларни чиқариш орқали молиялаштириш, кредит орқали молиялаштириш, лизинг орқали молиялаштириш, аралаш молиялаштириш, лойиҳавий молиялаштириш” дир [7].

Яна бир иқтисодчи олим Муравьева Н.Н. ҳам ўз тадқиқотида бюджетдан молиялаштиришни қўшган ҳолда худди шу методларни кўрсатган, унга кўра “лойиҳани молиялаштириш усуллари: ўз-ўзини молиялаштириш, акционерлаштириш орқали молиялаштириш, кредит орқали молиялаштириш, лизинг орқали молиялаштириш, бюджетдан молиялаштириш, лойиҳавий молиялаштириш, аралаш молиялаштириш” [8].

Бизнинг фикримизча, юқорида кўриб ўтилган мулоҳазалардан маълум бўлдики, инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари нисбатан тор доирада кўриб чиқилган бўлиб, уларда бир қатор, жумладан облигациялар орқали молиялаштириш усуллари ўз аксини топмаган.

Ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида, биз инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик:

“Инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизми – бу мустақил равишда ёки молия ташкилотларини жалб этган ҳолда улушда иштирок этиш ёки қарз муносабатларини назарда тутувчи механизмлар, жумладан қимматли қоғозларни жойлаштириш орқали инвестиция ресурсларини бозор тамойиллари асосида жалб этиш механизми ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланди. Мавзунини ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлашдан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Республика иқтисодиёти тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори қўшилган қийматли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, шунингдек, жойларда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари ниҳоятда муҳим масалалардан ҳисобланади. Замонавий шароитларда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларидан бири бу инвестиция ва пай фондлари, жумладан венчур фондлари ҳисобланади. “Инвесторларнинг пул маблағларини ва қўйилмаларини инвестиция активларига жалб қилиш мақсадида акциялар чиқарадиган юридик шахс - акциядорлик жамияти инвестиция фондидир” [9].

“Инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида икки ва ундан ортиқ шахсларнинг - инвесторларнинг ўзи ишончли бошқарувга берган пул маблағлари йиғиндиси пай фондидир” [10].

1-жадвал

Инвестиция фондлари ва уларнинг акциядорлари

Т/р	Йиллар	Инвестиция фонди портфели, млрд сўм	Акциядорлар сони	
			жами	шу жумладан жисмоний
1.	2017 йил	6,3	49 767	49 723
2.	2018 йил	6,4	49 744	49 706
3.	2019 йил	6,37	49 727	49 692
4.	2020 йил	6,9	49 718	49 683
5.	2021 йил	7,0	49 713	49 676

www.deponet.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инвестиция фондларининг инвестиция портфели ва акциядорларининг сони деярли ўзгармаган, ушбу механизм орқали фуқароларнинг инвестицияларини жалб қилиш бўйича етарли чора тадбирлар амалга оширилмаган. Бундан ташқари, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонун 2015 йилда қабул қилинган бўлсада, бугунги кунга қадар битта ҳам пай фондлари ташкил этилмаган.

“Венчур фонди жамланган пул маблағларини фақатгина юқори хавfli венчур лойиҳаларига инвестиция қилиш учун мўлжалланган, бошқарув компанияси бошқарувидаги инвестиция компанияси ҳисобланади” [11].

Биз илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, инвестиция ва пай фондлари ҳамда венчур фондларини ривожлантириш, ушбу жараёнга аҳоли ва юридик шахсларни жалб қилишни жадаллаштириш бўйича алоҳида давлат даражасидаги дастурни қабул қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларидан яна бир йўналиш бу масъулияти чекланган жамият томонидан устав фондини ошириш ҳисобига инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланади. Мазкур шаклнинг асосий камчилиги улүш фақат чекланган шахслар ўртасида жойлаштирилади ва устав фондидаги иштирокчилар сони 50 тадан ошмайди. Охириги беш йилда масъулияти чекланган жамиятлар сонини таҳлил қилганимизда, мазкур шакл тадбиркор ва инвесторлар учун жозибадор экан деган хулосага келдик. Масалан, 2017 йил якуни бўйича республикада 143 103 та масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсатиб, 2021 йил якуни бўйича уларнинг сони 316 903 тага ёки 2,2 баробарга ошганини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида маълумот

Ҳудуд	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Ўзбекистон Республикаси	143103	170158	219370	272890	316903
Қорақалпоғистон Республикаси	6993	8235	10329	13006	14683
Андижон	13132	15470	18857	23659	27350
Бухоро	8708	10556	14429	17837	20362
Жиззах	5105	6564	8797	11411	13311

Қашқадарё	6691	7993	10228	13222	16739
Навоий	3624	4781	7249	9226	10826
Наманган	9429	10570	13916	17936	21016
Самарқанд	9451	11869	15417	19679	23937
Сурхондарё	4379	5537	7502	9336	11381
Сирдарё	4348	5245	7634	9747	10675
Тошкент	14595	17791	23313	29479	33112
Фарғона	9616	11684	15195	19151	22801
Хоразм	5826	6304	7900	9703	11533
Тошкент ш.	41206	47559	58604	69498	79177

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида шакллантирилди.

2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2021 йил якуни доирасида масъулияти чекланган жамиятлар сони бўйича Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри етакчилик қилган. Шунингдек, тадқиқотимиз доирасида қарз механизмлари ҳисобидан инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда хўжалик жамиятлари томонидан корпоратив, инфратузилма, биржа ва халқаро облигацияларни чиқариш ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлигини тадқиқотимиз жараёнида кўриб чиқдик. Ўрганишларимиз натижасида, республикамиз корхоналарига инфратузилма ва биржа облигацияларини чиқариш ҳуқуқи берилган бўлсада, улар томонидан мазкур инструментлардан фойдаланилмаганлиги аниқланди. Ўтказилган таҳлилларимиз натижаси амалиётда корпоратив облигацияларни чиқариш орқали инвестициялар фаолиятини молиялаштириш амалиёти бир мунча кенгайганлигини кўрсатмоқда (3-жадвал).

3-жадвал

Корпоратив облигацияларни чиқарилиши

Т/р	Сана	Суммаси (млрд сўм)		Сони (минг та)	
		Жами	шундан МЧЖ	жами	шундан МЧЖ
1	01.10.2022й.	1006,4	548,24	604,4	231,2
2	01.01.2022й.	783,3	374,13	365,6	41,4
3	01.01.2021й.	281,24	-	472,8	-
4	01.01.2020й.	488,06	-	785,6	-
5	01.01.2019й.	198,06	-	495,6	-
6	01.01.2018й.	251,2	-	549,3	-

Манба: www.deponet.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, корпоратив облигациялар аста-секинлик билан анъанавий кредит олиш ўрнига фойдаланилаётганлигини кўриш мумкин. Фақат жуда секин ва кам ҳажмларда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бозор иштирокчилари ва инвесторларни корпоратив облигациялар ва уларнинг эмитентлари тўғрисида ишончли ва етарли маълумот билан таъминлаш мақсадида корпоратив облигациялар эмитентлари томонидан ахборотларни ошкор этиш тартибига риоя этилишини доимий назорат қилиб бориш зарур.

Жаҳон тажрибаси шунга ишора қиладикки, ҳозирги глобал иқтисодий ўсиш учун инвестицияларнинг амалдаги суръатлари етарли эмас. Хулоса қилиб айтганда, кўйидаги ҳолатлар бозор иқтисодиёти шароитида амалдаги инвестицияларни

молиялаштиришнинг бозор механизмларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда:

фонд бозори орқали акциялар ва облигациялар чиқариш ҳажми камлиги;

инвестиция ва пай фондлари ҳамда инвестиция компаниялари орқали пул жалб этиш механизмларидан фойдаланилмаётганлиги;

тижорат банклари томонидан лойиҳаларни молиялаштиришда лойиҳавий молиялаштириш механизмларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги;

“яшил” молиялаштириш механизмларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги.

Қимматли қоғозларни, жумладан акциялар ва облигацияларни чиқариш тартиби соддалаштирилди, республикамизда биринчи марта акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO) тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжат[12] қабул қилинди, 2025 йилга қадар жисмоний шахслар дивиденд бўйича солиқлардан озод қилинди, облигациялар бўйича фоизлар солиққа тортилмаслиги белгиланди[14].




Диаграмма. “Тошкент” РФБда амалга оширилган битимлар. млрд сўм

Манба: “Тошкент” РФБ сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Диаграммадан кўришимиз мумкинки, 2016 йилдан бошлаб фонд биржаси айланмасининг ошганлигини кузатиш мумкин. Эътиборли жиҳати, 2022 йилнинг I ярим йил якуни бўйича айланма 2013 йилга нисбатан 35 баробар ва 2016 йилга нисбатан 11 баробар кўп.

Бундан ташқари, Капитал бозорини ривожлантириш департаментининг 2022 йил I-ярим йилк якунлари бўйича ҳисоботида кўра, “2022 йил 1 июль ҳолатига кўра Марказий депозитарийда 629 та акциядорлик жамиятларининг 164 192,9 млрд.сўм умумий номинал қийматига эга 13,3 трлн.дона жами қимматли қоғозлар ҳисоби юритилмоқда. Шунингдек, 12 та эмитент томонидан чиқарилган 770,9 млрд.сўм умумий миқдорига эга 368 минг дона корпоратив облигациялар ҳисоби олиб борилмоқда.

Бунда, умумий акцияларнинг 81 фоизи давлатга ва 7 фоизи тармоқ хўжалик бошқарув органларига тегишли.

2022 йилнинг I ярим йиллигида жами 12,7 трлн сўм миқдорида битимлар амалга оширилиб, шундан 73 фоизи уюлмаган бозор ҳиссасига тўғри келади”. Республикада 2017 йилдан бошлаб, “Кварц” АЖ, “Қўқон механика заводи” АЖ ва

бошқа корхоналарнинг акциялари IPO орқали жойлаштирилиши натижасида, кўплаб жисмоний ва юридик шахслар фонд бозорига жалб этилишига эришилди.

Бундан ташқари, 2021 - 2023 йилларда акциялари фонд биржаси орқали оммавий жойлаштирилиши белгиланган корхоналар рўйхати тасдиқланди[15].

Амалга оширилган ишлар натижасида, “Тошкент” РФБда амалга оширилган битимларнинг ошганлигини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳам давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокининг юқорилиги тўғрисида тўхталиб, “...банк тизимидаги энг асосий муаммо - улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда[16].

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, қимматли қоғозлар бозорида корпоратив облигация инструментидан деярли фойдаланилмаган, инфратузилма ва биржа облигациялари умуман чиқарилмаган.

Давлат томонидан давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш билан боғлиқ бир қатор дастурий ҳужжатлар, жумладан давлат иштирокидаги корхоналар сонини 2025 йил якунида 75 фоизга қисқартириш[17], 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача чиқариш каби мақсадли кўрсаткичлар белгилаб олинган. Бизнинг фикримизча, белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун Ҳукумат барча чораларни кўриши ва натижага эришиши зарур.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш лозимку, инвестиция фаолиятни молиялаштиришни фаоллаштириш жамиятнинг иқтисодий тузилишидаги реал ўзгаришларни таъминлаш, ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг ажралмас жараёнининг бутун иқтисодий муносабатлар занжирини ҳаракатга келтириши учун мўлжалланган иқтисодий талабларнинг энг муҳим таркибий қисмидир.

Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг янги инструменти ҳисобланган пай фондларини аҳоли орасида оммалаштириш ва дастлабки бу каби фондларни ташкил этишда давлат ташаббус кўрсатиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар

Республикада инвестиция фаолиятини молиялаштиришда бозор механизмларини ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш борасида амалга оширилган илмий изланишлар жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича Стратегияни қабул қилиш ва давлат учун ижтимоий ва йўл-транспорт инфратузилмаси соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда давлат-хусусий шериклик, жумладан концессия механизмларидан фойдаланиш орқали инвестицияларни молиялаштириш манбаларида марказлашган манбалар салмоғини қисқартириш;

2. Инвестициялар ва инвестиция фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш таклиф этилади. Жумладан “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонун бўйича:

- davlat objektlarini “nol” харид қийматида сотиш амалиёти бекор қилинганлиги муносабати билан Қонуннинг 34-моддасидан инвесторларга объектларни “нol” харид қийматида сотиш нормасини чиқариб ташлаш;

- стратегик соҳа ва тармоқларга асосланган ҳолларда чет эл инвестициялари киритилишига чекловларнинг мавжудлиги ва уларнинг рўйхатини Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги сайтида ошкор қилиш бўйича талабни “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда акс эттириш;

- инвесторларни жалб этиш ва уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида низони ҳал этиш тартибини соддалаштириш, яъни халқаро арбитраж воситасида ҳал этиш механизмини соддалаштирилган тартибда тақдим этиш;

- имтиёз ва преференциялар ягона рўйхатини шакллантириш ва бу рўйхатлар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ёки Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги алоҳида порталида эълон қилиниши тўғрисида меъёр киритилиши.

3. Фонд бозорининг механизмларидан кенгроқ фойдаланиш орқали унинг инвестицияларни молиялаштириш манбаларидаги улушини кескин ошириш;

4. Аҳолининг молия соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мактаб босқичидан бошлаб барча шахсларни капитал бозори асослари бўйича ўқитиш зарур;

5. Тижорат банклари ресурслар базасини кенгайтириш ва халқаро тажрибада кенг қўлланиладиган банк инструментларини жорий этиш мақсадида республикамизда суб-иштирок этиш тўғрисидаги битимни (“sub-participation”) тузиш имкониятини яратиш;

6. Тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш йўналишларидан бири ҳисобланган хусусийлаштириш жараёнларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда хусусийлаштириш ва давлат иштирокидаги корхоналар натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ошкор қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Chakraborty I., Maity P. COVID-19 outbreak: Migration, effects on society, global environment and prevention. International Journal Science of the Total Environment 728 (2020) 138882.

2. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

3. Л.И. Юзвович. Инвестиции: учебник, 2-е изд., – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2018. – С. 52.

4. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Ғ Т.: “Молия” нашриёти, 2003. 26-бет

5. Karimov N.G`., Hojimatov R.X., Investitsiya. O`quv qo`llanma. – Т.: TDIU, 2019. – 46 bet

6. Инвестиции и инвестиционная деятельность организаций: учебное пособие / Т.К. Руткаускас [и др.]; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Т.К. Руткаускас. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. С. – 17.

7. Гаджимурадова Л.А. Учебное пособие по дисциплине «Инвестиции» для направления подготовки 38.03.01 Экономика, профиль «Финансы и кредит». - Махачкала: ДГУНХ, 2019, С. - 42.

8. Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддаси
9. “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси
10. Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2017 йилдаги 268-сон “Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2022 йилдаги ПҚ-90-сон “Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.11.2018 йилдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сон Фармонининг 2-банди
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон Фармони билан тасдиқланган
14. “Тошкент” РФБ сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2018 йил 28 декабрь)
16. Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 29.03.2021 йилдаги 166-сон “2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони
18. Amonova, N. U. (2022). Improving Market Mechanisms of Financing Investment Activities. *Procedia of Philosophical and Pedagogical Sciences*, 108–114. Retrieved from <https://procedia.online/index.php/philosophy/article/view/243>